

# **Мактабларда биринчи құнғироқ жаранг сочди ва янги үқув йили бошланди**



Бугун 4-сентябр куни Қумқұрғон туман ҳокими Анвар Нормаматов тумандаги 9-сонли умумтаълим мактабида “Билимлар куни” байрам тадбирида иштирок этди.

Тадбирда туман ҳокими сўзга чиқиб Мустақиллигимизни 33 йиллиги ҳамда янги үқув йили бошланганлиги муносабати билан барча үқувчиларни самимий табриклиди.

Биринчи құнғироқ тадбирлари "Бир бўлсак - ягона халқмиз, бирлашсак - Ватанмиз!" шиори остида ташкил этилган бо'либ, унда мактабларнинг барча үқувчилари, маҳалла нуроний оқсоқоллари, устоз ва мураббийрлар ҳамда үқувчиларнинг ота-оналари ҳам иштирок этди.

Тадбир давомида үқувчилар томонидан Ватанни тараннум этувчи шеърлар, куй-қўшиқлар, саҳна кўринишлар намойиш этилди. Жорий үқув йилида мактаб остонасига илк бор 4990 нафар жажжи ўғил-қизлар қадам қўймоқда.